

БОЛАЛАР ИЧКИ ОЛАМИ ТАЛҚИНИДА ФОЛЬКЛОРНИНГ ЎРНИ
(А.Обиджоннинг "Кезаргон Бойчечак" қиссаси мисолида)
РОЛЬ ФОЛЬКЛОРА В ФОРМИРОВАНИИ ВНУТРЕННЕГО МИРА ДЕТЕЙ
(на примере повести «Кезаргон Бойчечак» А.Обиджона)
THE ROLE OF FOLKLORE IN THE FORMATION OF THE CHILD'S INNER WORLD
(on example, of the story "Kezargon Boychekchak" by A. Obidjon)

Б.Мухторалиев

Аннотация

Мақолада болалар руҳида содир бўладиган миллий ўзликни англаш, юртга муҳаббат ҳиссининг шаклланиши, эзгулик учун кураш каби ғоялар Анвар Обиджоннинг "Кезаргон Бойчечак" номли қиссаси мисолида тадқиқ этилади. Унда ёзувчининг халқ оғзаки ижоди аънаналаридан фойдаланиш маҳорати кўрсатилади.

Аннотация

В статье на примере повести «Кезаргон Бойчечак» Анвара Обиджона рассматриваются вопросы формирования у детей национального самосознания, чувства любви к Родине и добру. В ней также раскрывается мастерство использования писателем образов народного устного творчества.

Annotation

The article examines on example of the tale "Kezargon Boychekchak" by Anvar Obidjon the formation of the ideas of national self-consciousness, the feeling of love for the Motherland. It features the writer's ability to use the traditions of folklore.

Калит сўз ва иборалар: қисса, фольклор, маъжозий образ, болалар ички олами, зачин, сюжет, образ, портрет, характер, деталь, эртақчи.

Ключевые слова и выражения: повесть, фольклор, магический образ, детский внутренний мир, зачин, сюжет, изображение, образ, портрет, характер, деталь, сказочник.

Keywords and expressions: tale, folklore, magical character, children's inner world, initiation, plot (theme), imagination, portrait, character, detail, story teller.

Болалар онги ва руҳида ўзликни англаш, озодлик ва эрк учун кураш, ўз юртига муҳаббат туйғусини шакллантириш, болалар ички оламини тасвирлаш каби масалалар болалар адабиётининг долзарб муаммоларидан саналади. Чунки эзгулик учун кураш ҳамма нарсада яхшилиқни кўриш, яхшилиқ кутиш, тўсиқ ва машаққатларни, қийинчиликларни ирода, матонат билан енгиб ўтиш, тақиқларни назарга илмасдан олға интилиш болаларга хос хусусиятдир. Айниқса, ҳайвонлар ва чечаклар тимсолида эрк, озодликни тараннум қилиш болалар ички оламига жуда мос келади. Зотан, "хурлик ва унга интилишнинг ўз тили, ўз ифодаси бор. Хурликнинг мазмуни кенг" [3.223]. Унинг бир кўриниши ҳайвон ва чечаклар тимсолидаги шахс эрки бўлса, иккинчиси болалар гидрокига ана шу эрк, хурликни сингдиришнинг эркин усулидир.

Анвар Обиджон ўтган асрнинг етмишинчи йилларидаёқ ўзбек болалари ички оламида юрт, ватан тарихи, бугуни ва эртасига масъулият

ҳиссини шакллантиришга эътибор берди. Адиб болаларни тасвирлар экан, уларнинг фикрлаши, дунёқараши ва имкониятидан келиб чиқиб, асардаги ифода усулини танлади. Фикримиз исботи сифатида севимли адибимизнинг "Кезаргон Бойчечак" қиссасини таҳлилга тортамыз [2]. Адиб мазкур қиссани мажозий усулда битган. Бунинг устига кичик ёшдаги болаларга қулай бўлиши учун асарни 10 та кичик ҳикояга ажратиб чиққан. Уларнинг ҳар бирини "Қуёшнинг қанотли ўғли", "Қутлуғ кеча", "Наврўзойнинг нотаниш қаллиғи", "Маразларнинг марази ким?", "Тайини йўқ мукофот", "Кўзи ожиз етакчи", "Эшакда нега дум бор?" сингари сарлавҳалар қўяди. Ҳикоячалар нисбий тугал мазмун ва ўзига хос, мустақил сюжет линиясига эга бўлиб, уларни умумий – Бойчечак, Наврўзой, Кунтуғди ота, Ойтўлди она, Оқбарс, Тожбабақ, Каллачи, Яллачи, Кўркаламуш, Аёззода каби мажозий образлар ҳамда воқеаларнинг мантиқий изчиллиги, асарнинг

Б.Мухторалиев – ФарДУ адабиётшунослик йўналиши 2- босқич магистранти.

умумий ғояси ва бадиий-эстетик функцияси бирлаштириб туради.

Қисса асосида табиат ҳодисаси билан боғлиқ воқеалар, яъни қишнинг охириги кунлари бир-икки марта қаттиқ совуқ бўлиши, сўнгра кўклам келиши бадиий ифодасини топган. Тўғри, бу борада ёзувчи халқ орасида мавжуд бўлган Аёз момо асотири(миф)ни ҳам моҳирлик билан сюжет орасига синдириб юборганки, бу, асарнинг ўқимишли, ҳамма учун тушунарли бўлишини таъминлаган. Хусусан, Кунтуғди ота, Ойтўлди она, Наврўзой, Кезаргон Бойчечак, Аёзодалар моҳиятан мифик асосга эга. Қадим туркий манбаларда қуёш ота, ой она деб қараш мавжуд бўлган. Табиатдаги турли ҳодисаларнинг ортида эса маълум жонли шахслар турибди, деб қараш мавжуд бўлган. Масалан, фасллар алмашиниши, чақмоқ чақиши, дарё тошиши ортида у ёки бу жонли куч турибди. Она ер ва унинг икки фарзанди бор: бири қиш, иккинчиси ёз. Улар вақти билан ерга эгалик қилишар экан, ким эгалик қилса, ана шу вақтда унинг имкониятидан келиб чиқиб иссиқ ёки совуқ бўлади, деган мифик қараш мавжуд.

Асар анъанавий эртақчининг одатий бошланмаси билан бошланади: “Шайланувлар охирига етди-ю, эртақчи амакининг қалами тебранишга тушиб, ажабтовурдан-ажабтовур, бу воқеа, кўхна ривоятда қандай башорат қилинган бўлса, худди ўшандай тарзда бошланди...”

Ўлим булутининг силжувчан сояси устларига тобора яқинлашаётган эгизак кўчқорлар ушбу китобнинг асосий қахрамонлари бўлмаса-да, қиссамиздаги униси бунисига туташ ҳодисалар занжирининг учи, негадир, улар ётган кўранинг ёнгинасида турибди. Демак, ҳамма гапнинг боши айнан шу ерда” [2.22].

Зачин, яъни бошлама вазифасидаги ушбу парчада эртақчининг эртақ айтишга кўп муддат тайёрлангани ва унинг қалами аввалдан айтилганидек, воқеани қайта баён қилаётгани ҳақида хабар берилган. Бу ҳам эртақчилик анъанасига хос бўлиб, аслида мазкур асар биринчи марта баён қилинса-да, ўқувчи боланинг эътиборини тортиш ва воқеалар баёнига ўзгачалик бағишлаш учун шундай йўл тутилган. Шунингдек, қиссада асосий бўлмаган образлар – эгизак кўчқорлар ҳаётига хавф солаётган ўлим хабари билан бошланган. Бу, ўзига хос тугун

вазифасига ҳам эга. Чунки, бу ҳолда кўчқорлар қандай йўл тутиши ўқувчининг диққатини тартади. Зеро, болалар тилига хослик, болалар ички оламини очиб беришда болалар дунёси, унинг дунёни англашдаги босқичлари муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ҳайвонлар орқали дунёни англаш, ҳаётга қизиқиш билан қараш орқали бола ички оламини тасвирлаш, аввало, шаклланаётган боланинг ҳаётга муҳаббатини оширади, иккинчидан уларнинг турли вазиятларда инсонга хос ҳаракатлар қилиши орқали бола ҳаётини таълим ҳам олади.

Ёзувчи йил фасллари алмашиниши ва кўкламнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти юксак эканлигини қаламга олар экан, унинг тимсолида халқимизнинг бунёдкорлик, яратувчанлик, барчага бирдек меҳр улашувчи каби қатор ғояларини синдириб юборади. Унинг ёнига Қуёш ота ва Наврўзой образлари қўшилиб, қиссанинг бадиий-эстетик асосига эзгулик қўшилган. Уни ўқиган ўқувчи қалбида ёруғлик, ҳаётга муҳаббат, одамларга меҳр кучаяди.

Қиссада ёзувчи мажозий образлардан фойдаланган. Уларнинг тасвирини эртақчи тилидан монологик нутқ ёрдамида беради. Бу эса ижодкорга воқеалар ривожини ва тасвир йўналишини ўзи истаган тарзда баён қилиш имконини беради: “Эгизак кўчқорларнинг ҳар иккаласи ҳам бири биридан ёқимтой, бири биридан чиройли. Қўйлари кўп, лекин бунақа кўримлилари ё қайтиб туғилади, ё туғилмайди. Шундай ширинтой жониворларни наҳотки ўлдиришса?! Бир қарасанг, бунга ишониш қийин; бир қарасанг, шундай бўлиши ҳеч гапмас; бояги Пичоқли одам – ҳаддан ташқари хавфли махлуқ!” [2.22].

Парчага диққат қилинса, ундаги воқеа халқ оғзаки ижодидаги лоф ёки латифа жанрида кенг ишлатиладиган тусмолли баён, миш-миш тарзида бошланиб, “ё” айирув боғловчиси, “бир қарасанг” жумласи орқали ривожлантирилган. Охирида эса ровийнинг аниқ хулосаси – “Пичоқли одам – ҳаддан ташқари хавфли махлуқ” билан якунланган. Бу эса сюжет ривожига туртки беради. Сабаби, қассобдан қутулиш ва ҳаётни давом эттириш кўчқорлар учун муҳим масала сифатида асар марказига чиқади. Бу, ўқувчи – ёш бола ички оламига ҳам таъсир этади. Натижада воқеаларнинг баёнида

АДАБИЁТШУНОСЛИК

болалар ички оламига хос ҳамдардлик, эзгулик, яхшиликка интилиш, топқирликка эш тасвирлар билан бойиб боради.

Образларга бевосита ёзувчининг ўзи томонидан берилган таъриф баён қилинар экан, уларни болалар нигоҳи билан кўради. Образнинг феъл-атвориغا хос асосий хусусиятлар болаларча тушунча ва дунёқараш асосида баён қилинади. Масалан, “Шомдан бери аҳвол шу – Тожбабақнинг бошида кўрқинчлидан кўрқинчли ўйлар тинимсиз возвозлаб юрибди. Бундан унинг юраги хижил, кўнгли қоронғи. Яқин атрофдаги хўрозларнинг энг ўткир овози, энг кучлиси саналмиш Тожбабақ бекорга ҳадиксирамаётган эди” [2.22-23]. Мазкур парчадаги *“кўрқинчлидан кўрқинчли ўйлар тинимсиз возвозлаб юрибди”, “хўрозларнинг энг ўткир овози, энг кучлиси”* деган жумлалар болалар тушунчасини англатади. Қассобнинг бир маҳаллар совлиқни судраб чиққани, шундан сўнг кўчқорларнинг онаси кўринмай қолиши ҳақидаги хабар ҳам болаларга хос. Демак, муаллиф сюжет воқеалари ривожиди Пичоқли одам ва Тожбабақга таъриф берар экан, бу ишни асарнинг бошланиш қисмларида беради. Бу бир томондан ўқувчида персонаж ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилса, иккинчи томонда унинг кейинги хатти-ҳаракатларини, гап-сўзларини англашида муҳим аҳамият касб этади. Натижада воқеаларнинг мантиқий ривожиди Тожбабақ кўчқорлар ҳаётига қассоб хавф солиши мумкинлиги баён қилиниши керак. Бу эса асар марказига кўчқорлар мажозий образи кириб келиши ва уларнинг таърифини талаб қиладиган жараён дидир. Чунки ўқувчи кўз ўнгида персонажнинг сўз билан чизилган ташқи қиёфаси яратилиши, уни худди инсон сингари қабул қилиш, унинг ўй-фикри, орзу-ҳавасини, қобилияти ҳақидаги бадий маълумотларни ҳам талаб этади. Шунинг учун профессор Д.Қуроноф “Портрет, аввало, персонажнинг ўқувчи кўз олдида конкрет инсон сифатида гавдаланишига кўмаклашади”, деб қайд этган [1.39].

Анвар Обиджон персонаж қиёфасини тўлиқ ва ҳар томонлама батафсил тасвирламайди, балки қиссадаги воқеалар мақсадидан келиб чиқиб, зарур деталлар, характер қирраларинигина беради. Берганда ҳам тасвир болалар тушунча ёки болалар

фантазиясида ҳайвонлар орқали акс этади. Қуйидаги тасвирда эгизакларнинг ҳолати хўроз нутқи орқали берилган: “Эгизакларнинг иккаласи ҳам беҳад тўполончи, шунга қарамай, паррандалар учун буткул безарар, бирон-бир товукқа хиралик қилишганини ҳеч ким кўрмаган. Аксинча, нуқул фойдалари тегади. Улардан қолган озиқни титкилаб қорин тўйдиришни бошласанг, қизғанчилик қилмасдан, индамай туришаверади. Бир сафар, хатто, қайсидир товук кўра четига туғиб кетган тухумини ўғирлашга уринаётган қари урғочи каламушни сузиб-тепалаб, чўзилтириб қўйишди” [2.25].

Бу ерда биз чинакам образлиликни кўришимиз мумкин. Ёзувчи қаҳрамонларини ким ва нима учун шундай воқеани баён қилаётганига изоҳ, тушунтириш бермайди, балки воқеалар оқими орқали асосий мақсади эзгулик эканлигини, қаҳрамонларнинг руҳияти орқали воқеани ва хўроз образининг руҳиятини очиб берган. Ҳаётнинг мураккаб ҳодисаларини бир мантиққа бирлаштириш орқали янги бадий олам яратган. Аслида очикда юрган товуклар турли жойларга тухум қўйиб кетиши кўп кузатилади, кўчқорларнинг ҳам ўзига нотаниш нарсаларни сузиши одатини ҳамма билади. Бир-бирига умуман боғлиқ бўлмаган, мазкур воқеалар хўроз тилидан қисса таркибига моҳирлик билан киритилиб, *“паррандаларга хос фикрлаш”* орқали берилиши болани ишонтирадиган даражада мантиқли тус олган. Демак, ҳодисаларнинг қандай юз бериши кўпроқ муаллиф мақсади, бадий нияти, ёзувчининг ўзига хос тасвир услуги, персонажнинг асарда тутган мавқеи кабиларга боғлиқ. Бинобарин, асар мазмуни ана шу образлар орқали, яъни мажозий образлар орқали ифодаланиши чинакам образлилик саналади.

Қиссадаги Тожбабақ образи сюжетнинг йўналтириб турувчи, персонажларнинг ҳаракатини кузатувчи, шу орқали асардаги бошқа образларнинг ҳаракатини ҳам белгиловчи вазифасида келган. Айнан унинг нутқи орқали ушбу воқеа баён қилинган. Унда портрет усулидан унумли фойдаланган: “Тожбабақ беҳи шоҳида юраги оққудек бўлиб ўтирибди-ю, эгизакларни кўрсангиз, тўсинларининг у учи гуваладеворга, бу учи тўрт устунли харига мингаштириб қурилган, томига ғўзапоя тахланган, учала очик тарафи тахта

панжаралар билан тўсилган бостирма остидаги қўрада тинчгина узала тушиб ётишибди. Каттасининг оти – Каллачи, ўтлашга чиқса, йўлида эчки учрайдими, бузоқ учрайдими, дарахт дуч келадими, ирғишлаб борганича калла солгани солган. Кичиги ҳам калла қўйишга анча уста, лекин жангарилик қилишдан кўра ашула айтишга кўпроқ ишқибоз, шу туфайли уни ҳамма Яллачи деб атайтиди” [2.27].

Келтирилган парчадаги биринчи гап ўта узун бўлиб, ундаги мазмунни тасаввур қилиш болага бироз оғирлик қилади. Китобда у олти қаторга жой бўлган. Мураккаб таркибли қўшма гап бола дунёқараши, тасаввур доираси учун бироз соддалаштирилиши лозим. Бу ерда қўчқорларга таъриф берилляпти. Бу таърифлар бола дунёсига мос равишда биз ҳаётда кўп учратадиган, кўп кўрадиган воқеаларга асосланган.

Қиссада хўроз, қўчқор, қуёш, ой, аёз тимсолларида баҳорнинг келиш жараёни, қишнинг охири куни ва баҳорнинг илк тонгидаги воқеалар образли тасвирланади. Охир-оқибат Бойчечак Наврўзойни топади ва атроф яшилланиб, дарахтлар барг ёзади,

Бойчечакни тўхтатишга уринган Аёззода даф этилади. Бунда турли мажозий образлар ёрдам беради.

Бадий асар ҳамма вақт муаллифнинг реал воқеликка бўлган субъектив-эстетик муносабати натижасида юзага келади. Ёзувчи муҳим деб билган ҳаётини воқеликни бадий образ, образлилик ёрдамида турли тўқималар орқали яратди. Бунда асар тили муҳим аҳамиятга эга. Чунки образ ва образлилик тушунчасида, аввало, тасвирни, тасаввур қилинган воқеликни акс эттириш маъноларини билдиради. Демак, Анвар Обиджон қиссани ёзар экан, ўзи тасаввур этган дунёни, болаларнинг беғубор оламини яратган ишга ҳаракат қилган. Гарчи ёзувчи эрк, озодлик ҳақидаги қарашларини ифодалашни мақсад қилган бўлса-да, булар у қўчқор тилидан содда ва тушунарли тарзда баён қилинган. Мазкур қисса асосида халқ оғзаки ижодида қадимдан мавжуд бўлган эзгулик ва ёвузлик ҳамда кўклам ва қиш тортишуви ҳақидаги мифик тушунчалар турибди. Ёзувчи болалар ички оламини тасвирлашда ана шу анъанавий тасвир ва сюжетдан жуда усталик билан фойдаланган.

References:

1. Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – T.: Fan, 2007.
2. Anvar Obidjon. Kezargon Boychechak. Qissa va hikoyalar. – T.: CHO'lpon, 2016.
3. G'ofurov I. O'ttiz yil izhori. –T.: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1987.

(Тақризчи: А. Сабирдинов, филология фанлари доктори).